

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.I.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
БОШ ПРОКУРАТУРА АКАДЕМИЯСИ**

ДОВУДОВА ДИЛЗОДА СУЛАЙМАНОВНА

**БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДЛАРИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ
ЮРИТИШДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09- Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри - 2020 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Довудова Дилзода Сулаймановна

Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларини такомиллаштириш масалалари.....3

Dovudova Dilzoda Sulaymanovna

The Issues of Improving the Powers of the Prosecutor in Consideration of Criminal Cases at the Courts of First Instance.....29

Довудова Дилзода Сулаймановна

Вопросы совершенствования прокурорских полномочий при ведении уголовных дел в судах первых инстанций.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.I.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БОШ ПРОКУРАТУРА АКАДЕМИЯСИ**

ДОВУДОВА ДИЛЗОДА СУЛАЙМАНОВНА

**БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДЛАРИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ
ЮРИТИШДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09- Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-қидирув ҳукуқи ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри - 2020 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Үч342 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Бош прокуратура Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Астанов Истам Рустамович
юридик фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Миразов Даврон Мирагзамович
юридик фанлар доктори, профессор

Муродов Бахтиёржон Баходирович
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Диссертация ҳимояси Бош прокуратура Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.I.Үч.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 28 ноябрь куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Маҳтумқули кўчаси, 59. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Бош прокуратура Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Маҳтумқули кўчаси, 59. Тел.: (99871) 202-04-96;

Диссертация автореферати 2020 йил 13 ноябрда тарқатилди.

(2020 йил 13 ноябрдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

Б.Х.Пўлатов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Х.А.Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ф.Х.Рахимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

Кириш (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини таъминлаш, прокуратура органларининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид ваколатларини кенгайтириш, жиноят ишларини соддалаштирилган тартибда қўриш ҳуқуқий институтини такомиллаштириш, унда прокурор ролини ошириш, прокурорнинг судда иштирокига доир халқаро стандартлар ва илғор хорижий давлатларнинг процессуал ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, шунингдек, жиноят процессуал муносабатларда қонунийликни мустаҳкамлаш орқали шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳонда биринчи инстанция судларида прокурорни исбот қилиш субъекти сифатида киритиш, давлат айбловини прокурорлар гуруҳи томонидан қувватлаш, суд муҳокамасида прокурор томонидан янги далилларни тақдим этиш, судлардан жиноят ишини чақириб олиш, судланувчига нисбатан айбловни оғирроғи билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра, дастлабки айбловдан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш ёки бошқа шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун аниқланган асослар бўйича прокурор томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ваколатлар доирасини кенгайтириш, жиноят ишларини кўриб чиқишнинг процессуал тартибини эркинлаштириш, видеоконференцалоқа режимида ўтказилган суд ҳаракатлари жараёни ва натижаларини расмийлаштириш ҳамда прокуратура органларининг шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, суд-тергов фаолиятининг шаффоф ва ошкоралигини таъминлашда мавжуд жиноят-процессуал муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш бўйича кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, судлар фаолиятида прокурор иштирокини янада кенгайтириш, жиноят ишлари юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш каби муҳим вазифалар назарда тутилган. Унга кўра, давлат айбловчиси фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибага мувофиқлаштириш лозимлиги назарда тутилган бўлиб, у, ўз навбатида, илғор ғояларга асосланган қонунчиликни шакллантириш заруратини тақозо қилмоқда. Бу эса мазкур устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашда жиноят-процессуал муносабатларда прокурор фаолиятини тартибга солувчи

қонунчилик нормалари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур тадқиқ этишни тақозо этади. Айниқса, бу борада прокурор айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш, жиноят ишларини кўриб чиқиш тартибини янада соддалаштириш, биринчи инстанция судларида прокурор ваколатларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (2001), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги (2020), «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2020), «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2020) фармонлари, «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят процессида **прокурор фаолиятининг** баъзи жиҳатлари мамлакатимиз олимлари: Ғ.А.Абдумажидов, Б.Х.Пўлатов, А.Д.Давлетов, З.С.Ибрагимов, З.Ф.Иноғомжонова, О.М.Мадалиев, М.Махбубов, М.А.Ражабова, Ф.Х.Рахимов, Н.Норпўлатов, Ф.М.Мухитдинов, В.В.Қодирова, Ф.Мухитдинова, С.М.Рахмонова, М.Х.Рустамбоев, Ш.Ф.Файзиев ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатларда суд босқичида прокурор фаолиятини ташкил этиш масалалари: Ю.А.Авагимова, А.М.Баксалова, В.И.Басков, И.В.Борисенко, Е.В.Брянская, Н.В.Буланова, С.Э.Воронин, В.Н.Исаенко, А.Ф.Ишембитов, Г.П.Саркисянц, Н.П.Кириллова, В.М.Колпашникова, Ю.В.Кореневский, В.Ф.Крюков, Н.В.Кулик, В.А.Лазарева, Д.А.Мезинов, В.Д.Миронов, Е.Павлова, И.Д.Перлов, Б.А.Миренский, Е.Ю.Поторыкина, Н.Ю.Решетова, В.П.Рябцев, Б.А.Тугутов, В.Г.Ульянов каби олимлар томонидан тадқиқ этилган¹.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

масаланинг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларини такомиллаштиришга йўналтирилган алоҳида монографик тадқиқот даражасида ўрганилмаган. Бу эса тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб, унинг илмий ва амалий жиҳатдан ўрганилиши зарур эканлигидан далолат беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва жиноят-процессуал қонунчиликдаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари» бўйича илмий лойиҳа доирасида амалга оширилган (2017–2020).

Тадқиқотнинг мақсади биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларини такомиллаштириш бўйича таклиф, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларини таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

судда жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши босқичларини ўрганиш;

суд-тергов амалиёти ҳамда миллий қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш асосида биринчи инстанция судларида прокурор иштирок этишининг ижтимоий зарурат эканлигини асослаш;

биринчи инстанция судларида прокурорнинг процессуал фаолияти самарали ташкил этилишига сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

суд босқичида прокурорнинг процессуал фаолияти бўйича халқаро тажрибани ўрганиш;

суд муҳокамасида прокурорнинг процессуал мақомини белгилаш;

жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритиш орқали прокурор ваколатларини қўллаш механизминини ишлаб чиқиш;

қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш амалиётини яхшилаш ҳамда биринчи инстанция судларида прокурорнинг процессуал фаолиятини такомиллаштириш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикасида биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларини тартибга солувчи жиноят-

процессуал қонунчилик нормалари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд-тергов амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқоти жараёнида илмий билишнинг тарихийлик, мантиқий-юридик, формал, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, статистик, шунингдек, социологик сўровлар, жинойт иши материаллари ва суд амалиётини таҳлилий ўрганиш ҳамда бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

судланувчига нисбатан айбловни оғирроғи билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра, дастлабки айбловдан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш ёки бошқа шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун аниқланган асослар бўйича прокурор томонидан амалга оширилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар тизими ишлаб чиқилиб, уларни жинойт-процессуал қонунчиликда акс эттириш зарурлиги асослаб берилган;

суд ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш ҳамда уларнинг натижаларини расмийлаштириш тартибига доир жинойт-процессуал қонун нормаларида прокурор ваколатларини белгилаш зарурати асослантилган;

иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, шунингдек, ишнинг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида жинойт ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида дастлабки эшитув босқичини киритиш зарурлиги ва прокурор ваколатларини белгилаш асослантилган;

жинойт ишларини кўриш тартибини янада соддалаштириш, процессуал чиқимларни камайтириш, жабрланувчига етказилган зарарни тез ва тўлиқ қоплаш мақсадида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинойтни содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш имконини берадиган «Буйруқ тартибида иш юритиш» номли янги институтни миллий қонунчиликка жорий этиш зарурлиги асослантилган;

жинойт-процессуал муносабатларда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида биринчи инстанция судларида прокурорни исбот қилиш субъекти сифатида киритиш, суд муҳокамасида прокурор томонидан янги далилларни тақдим этиш, судлардан жинойт ишини чақириб олиш ҳамда давлат айбловини прокурорлар гуруҳи томонидан қувватлаш тартибини жорий этиш зарурати асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Жинойт-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган;

жиноий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш тизими, прокурор ҳаракатлари алгоритми, прокурор иш фаолияти

самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган;

жиноят-процессуал муносабатларда прокурорнинг ҳуқуқий мақомини тўлиқ ёритиб бериш мақсадида амалдаги қонун нормалари таҳлили асосида “прокурор” тушунчасига таъриф берилиб, ЖПКда акс эттириш зарурлиги таклиф этилган;

суд муҳокамасида прокурор айбловдан воз кечган тақдирда жиноят ишини реабилитация асосларига кўра тугатиш зарурлиги асослантирилган;

қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг асосий вазифалари ҳисобланишини инобатга олиб, жиноят-процессуал қонунчиликдаги “давлат айбловчиси” жумласини “прокурор” жумласига ўзгартириш таклиф этилган;

прокурорнинг айбловни ўзгартириш ва айбловдан воз кечиш асослари ҳамда қўллаш процессуал механизми ишлаб чиқилган;

хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси асосида ишни соддалаштирилган тартибда кўриш бўйича янги институтларни киритиш таклиф этилган ва қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

жиноят ишларини кўриш тартибини янада соддалаштириш, процессуал чиқимларни камайтириш, жабрланувчига етказилган зарарни тез ва тўлиқ қоплаш мақсадида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш имконини берадиган «Буйруқ тартибида иш юритиш» номли янги институт лойиҳаси ишлаб чиқилиб, миллий қонунчиликка жорий этиш зарурлиги асослантирилган;

прокурорлар томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига судларда тараф сифатида қатнашаётган прокурорнинг жиноят иши билан мажбурий тартибда танишиш ҳақидаги қонун мустаҳкамлаш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижасини акс эттирувчи хулосалар биринчи инстанция судларида прокурор ваколатини таъминлаш соҳасига тегишли бўлган, процессуалист олимлар томонидан эътироф этилган ва монографик илмий ишланмаларнинг, тадқиқот мавзусига оид статистик маълумотлар, амалиётга доир умумлашмалар, ижтимоий сўровлар натижасининг таҳлиliga асосланган. Ишда шунингдек, статистик маълумотлар ва соҳа мутахассислари (100 нафар терговчи, прокурор, шунингдек профессор-ўқитувчилар) ўртасида ўтказилган анкета сўровларидан ҳам фойдаланилган. Бундан ташқари, жиноят ишлари бўйича судларда кўрилган ишлар бўйича прокурор ваколатини таъминланиши юзасидан 2015-2019 йилларда келиб тушган 300 дан ортиқ шахсларнинг мурожаатларини текшириш ва 700 дан ортиқ жиноят ишларини назорат тартибида ўрганиш натижалари умумлаштирилган. Муаллиф томонидан

қонун нормаларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш борасида билдирилган таклиф ва тавсиялар тегишли халқаро ҳуқуқ нормаларига ва стандартларга ҳамда назариячи олимларнинг ушбу мавзуга оид тадқиқотларидаги умумилмий-методологик асосларга мос келади.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтган, тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда chop этилган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ҳамда амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, муаллиф томонидан суд амалиётида прокурорнинг процессуал мақомини белгилаш борасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва қоидалар ушбу соҳага тааллуқли назарий билимларни бойитиш ва янги илмий тадқиқотлар ўтказиш, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан берилган таклифлари ишни биринчи инстанция судларида қонун устуворлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш учун катта назарий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзунини тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, хулоса ва тавсиялардан Жиноят-процессуал кодексни, «Прокуратура тўғрисида» ва «Судлар тўғрисида» қабул қилинган қонунларни, Олий суд Пленумининг қарорларини, Бош прокурорнинг ишни судга қадар юритишга оид идоравий ҳужжатларини ҳамда суд-тергов амалиёти тартиб-таомилларини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятини яратиши, натижаларидан ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илмий тадқиқот ишларида, «Далиллар назарияси», «Жиноят-процессуал ҳуқуқ», «Прокурорлик назорати», «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанларидан маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтказишда, дарсликлар ҳамда ўқув - методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларини такомиллаштириш бўйича олинган хулоса, таклиф ва тавсиялар асосида:

судланувчига нисбатан айбловни оғирроғи билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра, дастлабки айбловдан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш ёки бошқа шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун аниқланган асослар бўйича прокурор томонидан амалга оширилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар тизими юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 416 ва 417-моддаларини тўлдиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 5 октябрдаги 06-13/1947-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши суд процесси иштирокчиларининг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишига ҳамда жиноят ишининг қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилинишига хизмат қилган;

суд ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш ҳамда уларнинг натижаларини расмийлаштириш тартибига доир жиноят-процессуал қонун нормаларида прокурор ваколатларини белгилаш билан боғлиқ таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 91⁴-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 25 февраль 4-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инобатга олиниши суд муҳокамасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг татбиқ этилишига, ишларни кўриш янада енгиллаштирилишига, шунингдек, процесс иштирокчилари сарсон бўлишининг олди олинишида самарали восита бўлиб хизмат қилган;

жиноий суд ишларини юритишда прокурор ваколатларини таъминлаш фаолияти юзасидан тайёрланган услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳайъатининг 2019 йил 28 июнь кунги мажлисининг 1-сонли баённомаси билан ҳудуд, вилоят ва маҳкамаларга ягона амалиётни шакллантириш учун тавсия қилинган ва амалиётга татбиқ этилган (Бош прокурор ўринбосарининг 2019 йил 29 ноябрь кунги далолатномаси ҳамда Бош прокуратура ҳайъатининг 2019 йил 28 июнь кунги мажлисининг 1-сонли баённомаси). Ушбу услубий қўлланма ҳудудларда прокуратура ходимлари учун ягона амалиётни шакллантиришда хизмат қилади;

жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида дастлабки эшитув босқичини киритиш ва ундаги прокурор ваколатлари бўйича берилган таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги ЖПКнинг 49 - бобини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2020 йил 07 июлдаги 2-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши халқаро амалиётда эътироф этилган илғор тажрибалар асосида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартиби белгиланишига, шунингдек, ишнинг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва уларнинг бартараф этилишига ва энг муҳими, жиноят - процессуал муносабатларда тарафлар тенглигининг таъминланишига хизмат қилган;

ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш имконини берадиган «Буйруқ тартибида иш юритиш» номли янги институтни амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликка жорий этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги ЖПКнинг 61 - бобини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2020 йил 07 июлдаги 3-сон маълумотномаси). Таклифларнинг инобатга олиниши жиноят ишларини кўриш тартиби янада соддалаштирилишига, процессуал чиқимлар янада камайтирилиши, жабрланувчига етказилган зарарнинг тез ва тўлиқ қопланишига хизмат қилган;

прокурорни исбот қилиш субъекти сифатида киритиш, суд муҳокамасида прокурор томонидан янги далилларни тақдим этиш, судлардан

жиноят ишени чақириб олиш, прокурорнинг айбловдан воз кечган ҳолатларда суд томонидан амалга оширилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар тизимини белгилаш, давлат айбловини прокурорлар гуруҳи томонидан қувватлаш тартибини жорий этиш ҳамда суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурорни ўзгартириш асослари ва тартиби бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2020 йил 30 июндаги 1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши биринчи инстанция судларида қонун устуворлиги таъминланишига, қонунчиликда мавжуд коллизия ҳолатларнинг бартараф этилишига, суд-тергов фаолиятидаги бўшлиқларни тўлдириш, шунингдек, суд босқичида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашнинг янада кучайтирилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда (улардан иккитаси халқаро, учтаси республика миқёсида) муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, 14 та мақола (улардан учтаси хорижда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ҳамда технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, натижаларнинг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилишига оид маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Биринчи инстанция судларида жиноят ишлари юритишда прокурор ваколатларининг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларининг назарий ва ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган, унга доир назарий-ҳуқуқий қарашлар ҳамда тарихий ривожланиши ўрганилган.

Мазкур боб икки параграфдан иборат. “Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларининг назарий ва ҳуқуқий

асослари таҳлили” деб номланган биринчи параграфда “прокурор”, “прокурор ваколоти”, “биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритиш” тушунчаларига муаллифлик таърифи берилган. Қонунчиликка судда иштирок этаётган прокуратура ходимининг процессуал мақомини белгилаш асосланган. Прокурорнинг жиноят процессидаги функцияси иккига ажратилиб, ЖПКнинг умумий қисмига судда қонунларнинг тўғри қўлланилиши юзасидан прокурор ваколатини таъминлаш билан боғлиқ функция киритилиши асослаб берилган, прокурорнинг суддаги умумий вазифалари таснифланган.

Жумладан, биринчи инстанция судида жиноят ишлари кўрилишида иштирок этаётган прокурор қонун билан юклатилган вазифа ва ваколатларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни амалга ошириши ҳақида хулосага келинган:

биринчидан, айбловнинг қонуний ва асослилигини иш ҳужжатларидан келиб чиқиб асослайди;

иккинчидан, давлат органи вакили сифатида қонуннинг тўғри қўлланилиши, ишнинг адолатли ҳал этилиши юзасидан ўз муносабатини билдиради;

учинчидан, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият, давлат манфаатларини ҳимоя қилади;

тўртинчидан, ҳимояга муҳтож, ожиз аҳволдаги шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилади;

бешинчидан, айблов тасдиғини топмаса, уни ўзгартиради ёки айбловдан воз кечади.

Биринчи бобнинг “Судда жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларининг ривожланиш босқичлари” деб номланган иккинчи параграфиди судда жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларининг тарихий ривожланиши таҳлил қилинган. Жумладан, биринчи инстанция судларида жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколоти таъминланишининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи олтига босқичга ажратилган:

биринчи босқич – 1722 – 1917 йиллар, Россия прокуратурасининг таъсис этилиши ва Марказий Осиё босиб олинганидан сўнг Туркистонга кўчирилиши даври, муайян вақт ўтиб, прокуратура органлари тугатилгунга қадар бўлган даврда жиноят судида прокурор иштироки таъминлана бошлаган бўлса-да, прокурор давлат сиёсатини амалга оширувчи жазоловчи субъект сифатида намоён бўлган;

иккинчи босқич – 1922 – 1925 йиллар, “Прокурор назорати тўғрисида”ги янги низом ҳамда Туркистон АССР ҳудудида РСФСР ЖПКнинг жорий этилиши билан характерланади. Ушбу даврда судда прокурор иштироки ихтиёрий бўлиб, айбловни қувватлаш вазифаси юклатилган ҳамда прокурор суд ҳукми, қарорларига эътироз билдириш ҳуқуқига эга бўлган;

учинчи босқич – 1926 – 1958 йилларни ўз ичига олади. Мазкур босқичда янги таҳрирдаги Ўзбекистон ЖПКлари қабул қилинган. Ушбу даврда суд устидан прокурор назорати вужудга келган;

тўртинчи босқич – 1959 – 1991 йилларни қамраб олган. Ушбу даврда СССРда “Прокурор назорати тўғрисида”ги Низом, СССР Иттифоқи ва иттифокдош республикаларнинг жиноят-судлов ишларини юргизиш Асослари ҳамда янги таҳрирдаги ЖПК қабул қилинган. Мазкур ҳужжатларда биринчи инстанция судида жиноят ишларининг кўрилишида прокурор иштироки, унинг ваколатлари ва суд фаолияти устидан прокурор назорати ҳақидаги алоҳида нормалар белгиланган;

бешинчи босқич – 1992 – 2001 йилгача бўлган даврни қамраб олади. Бунда судларда жиноят ишлари кўрилишида “қонунийликка амал қилиниши устидан назорат” тушунчаси бекор қилиниб, “Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш” тушунчасига алмаштирилиши билан характерланган;

олтинчи босқич – 2001 йилдан шу кунга қадар бўлган даврлардан иборат. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши, прокурор ваколатларига қатор ўзгартиришлар киритилиши, прокурорнинг процессуал қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукми, ажрими ва қарорига протест келтириш ҳуқуқига эга бўлиши айнан шу даврда юз берган.

Тадқиқотчининг фикрича, дастлабки 1923, 1926 ва 1929 йиллардаги кодексларда биринчи инстанция судида иштирок этаётган прокурорга “айбловчи”, 1959 йилдаги кодексда эса “давлат айбловчиси” процессуал мақоми берилган. Бу мақомнинг берилиши прокурорнинг суд устидан назорат қилиш функцияси билан боғлиқ. Бироқ бугунги кунга қадар ушбу процессуал мақом амалдаги ЖПКда ўз ифодасини топиб келаётгани камчилик сифатида кўрсатилган.

Шунингдек, мустақилликнинг илк даврида – 1992 йил 9 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, айнан “прокурор ваколатлари” тушунчаси янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилиниши билан қўллана бошлагани қайд этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларини таъминлаш амалиёти”** деб номланади ва у уч параграфдан иборат.

Мазкур бобнинг “Жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш босқичида прокурор иштироки хусусиятлари” деб номланувчи биринчи параграфида прокурорнинг жиноят ишини суддан чақириб олиш, прокурорнинг биринчи инстанция судларида иштироки билан боғлиқ нормани ЖПКга киритиш, ишда иштирок этиш учун жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиш ваколати, дастлабки суд эшитув институтини қонунчиликка киритиш орқали прокурор ваколатларини белгилаш билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишида бевосита амалиётда юзага келаётган муаммоларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, “Прокуратура тўғрисида”ги

Қонуннинг 34-моддаси иккинчи қисмида айблов хулосасини, айблов далолатномасини, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурор ёки юқори турувчи прокурор жиноят иши судда кўриш учун тайинлангунига қадар ишни суддан чақириб олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Ушбу Қонунда белгиланган қонидани амалга ошириш асослари ва механизми процессуал қонун билан тартибга солиниши лозим бўлса-да, бироқ ЖПКда прокурор ёки юқори турувчи прокурор жиноят иши судда кўриш учун тайинлангунига қадар ишни суддан чақириб олиш механизми ҳанузгача белгиланмаган. Бироқ, жиноят ишларини суд муҳокамаси бошлангунга қадар чақириб олиш амалиётидан фойдаланилаётганлиги статистик маълумотлар билан тасдиқланган. Шунга кўра, ЖПКни “Жиноят ишларини чақириб олиш” ҳақидаги янги 394¹-модда билан тўлдириш лозимлиги асослаб берилган.

Шу билан бирга, ЖПКнинг 480-моддасида жиноят ишининг апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрилишида прокурор қатнашиши белгиланган. Бироқ, ЖПКга жиноят ишининг биринчи инстанция суди томонидан кўрилишида субъект сифатида айнан қайси прокурорнинг иштироки таъминланиши хусусида норма белгиланмаган. Шунга кўра, ишларни биринчи инстанция суди томонидан кўрилишида прокурорнинг иштироки билан боғлиқ нормани ЖПКга киритиш ҳақида таклиф асослантирилган.

Бундан ташқари, ЖПК 395-моддасида жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида фақат судья қарор қабул қилади, процесс иштирокчилари иштирок этмайди деб белгиланган. Ваҳоланки, ушбу босқичда судга жиноят ишини ЖПКнинг 83-моддаси ва 84-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ тугатиш, тўхтатиш ва техник йўсиндаги камчиликларни бартараф этиш учун прокурорга юбориш ваколатлари берилганлиги суднинг холис, бетарафлигига таъсир этади ва ҳақиқатни аниқлаш принципига, бошқа тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид ҳисобланади.

Шу сабабли, тадқиқот ишида ЖПКга дастлабки суд эшитуви институтини жорий этиш лозимлиги ҳақида таклиф бу борада тадқиқот олиб борган процессуалист олимлар Б.Пўлатов, С.Рахмонова, Н.Буланова ва бошқаларнинг фикрлари билан мунозарага киришилиб, асослантирилган. Шу боис, мазкур институтни жорий қилиш орқали унда прокурор ваколатлари белгилаш лозимлиги ҳақида таклиф баён қилинган.

ЖПКда прокурорнинг жиноят иши ҳужжатлари билан танишиш шартлиги тўғрисида бирон - бир норма мавжуд эмаслигини, жиноят иши ҳужжатлари билан танишиш иш юзасидан сифатли прокурор ваколатини таъминлашга хизмат қилишини инобатга олиб, прокурорга жиноят иши ҳужжатлари билан танишиш шартлиги тўғрисидаги мажбурият юкловчи қонидани киритиш лозимлиги ҳақида хулосага келинган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи “Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини кўришда прокурор ваколатларини қўллашнинг ўзига хос

жиҳатлари” деб номланади. Мазкур параграфда биринчи инстанция судларида жиноят ишларининг кўрилишида прокурор иштироки икки қисмга ажратилган, “суд тергови” тушунчасига муаллифлик таърифи берилган, статистик маълумотлар ва амалиётдаги мазкур босқичдаги муаммолар хусусида фикр-мулоҳазалар келтирилиб, бу борада қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилган.

Жумладан, прокурор исботлаш мажбурияти юклатилган субъект ҳисобланиши, жиноят процессида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда бевосита иштирок этиши боис, тадқиқот ишида ЖПК 81-моддасида қайд этилган субъектлар қаторига прокурорни ҳам киритиш лозимлиги ҳақидаги таклиф асослантириб берилган.

Шу билан бирга, суд жараёнида иштирок этаётган прокурор айрим ваколатларини илтимосномалар келтириш ва далилларни тақдим этиш орқали амалга оширади. Шунга кўра, ЖПКнинг 409-моддасига “илтимосномалар келтириш” ва “далилларни тақдим этиш” ваколатларини киритиш лозимлиги асослантирилган. Бу борада Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон, Германия ва Франция қонунчилигида мавжуд нормага асосланилган.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 409-моддаси тегишли бандини ЖПКнинг 95-моддасининг 1-бандига мувофиқлаштириб, “ўз ишончи” бирикмасини “ички ишончи” сўз бирикмасига ўзгартириш лозимлиги асослантирилган.

Шу билан бирга, прокурорнинг суд муҳокамасида алмаштирилиши, айбловнинг қонунийлиги ва асослилигини таъминлашда бир нечта прокурор иштирок этишига йўл қўйилиши ҳақидаги таклиф асослантирилган, суд тергови жараёнида сўроқ қилишнинг дастлабки терговдаги сўроқ қилишдан фарқли жиҳатлари ёритилган.

Ушбу бобнинг учинчи параграфи “Прокурорнинг тарафлар музокарасидаги иштирокининг хусусиятлари” деб номланган бўлиб, унда “прокурор музокара нутқи” тушунчасига муаллифлик таърифи берилган. Прокурорнинг музокара нутқи уч турга бўлиниши асосланган, музокара нутқи билан прокурор фикрининг фарқли жиҳатлари солиштирилган, прокурорнинг айбловни ўзгартириш асослари ва у айбловдан воз кечган тақдирда, суднинг ҳаракатлари ҳақидаги таклиф асослантирилган.

Жумладан, прокурорнинг музокара нутқи: айблов, айбловни ўзгартириш ва айбловдан воз кечиш турларига бўлинган. Прокурор фикри ва музокара нутқининг фарқли жиҳатлари ажратилган.

Шу билан бирга, судда прокурор айбловни ўзгартириш ваколатига эга бўлса-да, унинг асослари белгиланмаганлиги баён этилган.

Ваҳоланки, таҳлил қилинганда, 2017 йил ва 2020 йил I чорагида кўрилган жиноят ишлари бўйича судларда прокурорлар томонидан жами айбловни ўзгартириш ёки айбловдан чиқариш тўғрисида 1368 та иш 1717 нафар шахсга нисбатан фикр билдирилган. Шундан 699 та иш 868 нафар шахсга нисбатан энгилроқ моддага квалификация қилинган, 669 та иш 849 нафар шахсга нисбатан ортиқча квалификация қилинганлиги сабабли айбловдан чиқарилган. Судлар томонидан қайд этилган прокурор

фикрига монанд равишда 1373 та иш 1722 нафар шахсга нисбатан жиноят ишлари бўйича суд қарорлари чиқарилганлиги аниқланган.

Шунга кўра, ЖПКда прокурорнинг судланувчи аҳволини енгиллаштирувчи томонга ўзгартириш асосларини белгилаш, шунингдек, биринчи инстанция судларида прокурорнинг айрим ҳолатларда айбловни оғирлаштирувчи томонга ўзгартириши зарурати асосланган.

ЖПКда прокурор суд муҳокамасида айбловни оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи томонга қандай ҳолатларда ўзгартириши ҳақидаги қонидани аниқ белгилаш ҳар хил оворагарчиликнинг олдини олиши, ишнинг белгиланган муддатда ҳал этилиши, ушбу қонидани татбиқ этиш эса, инсон ҳуқуқларини поймол этмаслиги асослаб берилган.

Бундан ташқари, таҳлилларга кўра, 2014-2015 йилларда судлар томонидан оқлов ҳукми чиқарилмаган, бироқ 2016 йилда 2 нафар, 2017 йилда 162 нафар, 2018 йилда 759 нафар, 2019 йилда 816 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган. Шу жумладан, биринчи инстанция судида 2017 йилда 87 нафар, 2018 йилда 147 нафар, 2019 йилда 86 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган.

Шунингдек, 2017 йил ва 2020 йилнинг биринчи чорагида кўрилган жиноят ишлари бўйича судларда прокурорлар томонидан 21 та ҳолатда айбловдан воз кечилган.

Бироқ, шу кунга қадар прокурор айбловдан воз кечгандан кейин суд ҳаракатлари механизми ва ҳуқуқий оқибатлари тартибга солинмаган. Шунга кўра, айрим ривожланган давлатлар қонунчилигида белгиланган қоидалардан келиб чиқиб, прокурорнинг айбловдан воз кечгандан кейин суднинг ҳаракатлари, прокурорга судланувчининг айби ўз тасдиғини топмаган тақдирда оқлов ҳукмини чиқаришни сўраш ваколатини қонунчиликка киритиш лозимлиги баён этилган.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларини таъминлаш бўйича хорижий тажриба ва миллий қонунчиликни ривожлантириш истиқболлари”** деб номланиб, мазкур бобда МДХга аъзо давлатлар ва ривожланган бошқа хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларида биринчи инстанция судларида прокурор ваколатлари билан боғлиқ нормалар қиёсий-ҳуқуқий ҳамда жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфи **“Ривожланган давлатларнинг биринчи инстанция судларида прокурор ваколатларини қўллаш хусусиятлари”**, иккинчи параграфи эса **“МДХ мамлакатлари биринчи инстанция судларида прокурор ваколатларининг хусусиятлари”** деб номланиб, уларда Франция, Германия, Жанубий Корея, Япония, Эстония ҳамда Россия Федерацияси, Молдовия, Қозоғистон давлатларининг қонун ҳужжатларидаги биринчи инстанция судларида прокурор ваколатлари билан боғлиқ нормалар қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Жумладан, миллий қонунчиликка **“адолатли иш юритиш принципи”**ни

киритиш мақсадга мувофиқлиги, ушбу принцип судда ишларни юритишга тааллуқли бўлиши лозимлиги асосланган.

Шунингдек, ЖПКда соддалаштирилган тартибда иш юритиш тартиби алоҳида кўрсатилмаганлиги, айрим хорижий давлатларнинг қонунчилигида мазкур институт алоҳида босқич сифатида белгилангани ва унинг бир неча кўриниши мавжудлиги, жумладан, “Буйруқ тартибида иш юритиш” институти Германия, Франция, Эстония ва бошқа бир қатор давлатлар процессуал қонунчилигида белгилангани қайд этилган.

Шу сабабли, ЖПКга қўшимча киритиб, соддалаштирилган тартибда иш юритиш институтини жорий қилиш ва унда қуйидаги “Буйруқ тартибида иш юритиш”, “Судланувчи ўзига қўйилган айбловга иқроқ бўлган тақдирда алоҳида тартибда суд қарори қабул қилиш” деб номланган янги бобларни киритиш мақсадга мувофиқлиги асосланганлиги берилган.

Учинчи бобнинг учинчи параграфи “Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари” деб номланган. Унда мазкур мавзу доирасида прокурор ваколатларини такомиллаштиришнинг ижобий томонлари ёритилган. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини такомиллаштириш юзасидан бир қатор омиллар келтирилиб, ушбу соҳани такомиллаштириш юзасидан илгари сурилган таклиф ва мулоҳазалар яхши натижалар беради, деган фикр илгари сурилган.

ХУЛОСА

Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини такомиллаштириш масалаларини таҳлил қилиш натижасида тадқиқот иши доирасида қуйидаги назарий, амалий-ташқилий ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф, тавсия ва хулосалар берилди.

I. Илмий-назарий хулосалар.

1. Назарий қарашларни илмий таҳлил қилиш орқали қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган:

- *прокурор* – қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи, судда қонунийликни таъминловчи, қонунда белгиланган ваколатларга эга бўлган мансабдор шахс;

- *прокурор ваколатлари* – прокурорга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва қонун ости ҳужжатлари билан берилган ҳуқуқ ва юклатилган мажбуриятлар йиғиндисидир;

- *биринчи инстанция судида жиноят ишлари юритиши* – судга жиноят иши келиб тушган кундан бошлаб, уни тегишлилигини ҳал этиш, мазмунига кўра кўриб чиқиб, иш натижаси бўйича қарорлар қабул қилиш, ижрога қаратиш, шикоят ёки протестга асосан ишни расмийлаштириб, уни юқори инстанция судига юбориш жараёни;

- *суд тергови* – ҳақиқатни аниқлашга қаратилган тергов ҳаракатлари йиғиндисидан иборат суд муҳокамасининг босқичидир;

- *прокурорнинг музокара нутқи* – прокурорнинг суд музокара босқичидаги судланувчини жиноят содир этишда айбдорлигини исботлаш ёки рад этишга қаратилган, асослантирилган, ички ишончга таянган нутқидир.

2. Илмий изланишда прокурорнинг жиноят процессида икки хил кўринишдаги функцияси мавжудлиги асослантирилган:

а) терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

б) суд босқичида ўз ваколатлари доирасида қонунийликни таъминлаш.

3. Биринчи инстанция судида прокурор ваколатларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлиши асослантирилган:

биринчидан, айбловнинг қонуний ва асослилигини жиноят иши ҳужжатларидан келиб чиқиб асослайди;

иккинчидан, давлат органи вакили сифатида қонуннинг тўғри қўлланилиши, ишнинг адолатли ҳал этилиши юзасидан ўз муносабатини билдиради;

учинчидан, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият, давлат манфаатларини ҳимоя қилади;

тўртинчидан, ҳимояга муҳтож, ночор, ожиз аҳволдаги шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилади;

бешинчидан, айблов ўз тасдиғини топмаса, уни ўзгартиради ёки айбловдан воз кечади.

4. Биринчи инстанция судларида жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш иштирокининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи олтига босқич ажратилди. Жумладан, биринчи босқич 1722 – 1917 йилларни, иккинчи босқич 1922 – 1925 йилларни, учинчи босқич 1926 – 1958 йилларни, тўртинчи босқич 1959 – 1991 йилларни, бешинчи босқич 1992 – 2001 йилларни, олтинчи босқич – 2001 йилдан, то шу кунга қадар бўлган даврни ўз ичига олиб, ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

5. Биринчи инстанция судларида прокурор ваколатини таъминлашнинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун, аввало, жиноят иши материаллари билан тўлиқ ва пухта танишиш ҳамда шу орқали ўзида қуйидаги кўникмаларни шакллантириш:

- ўзининг қатъий позициясига ва аниқ режасига эга бўлиш, кучли тактикани қўллаган ҳолда суд жараёнида фаол иштирок этиш;

- ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиб, қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб, ўзининг ички ишончи бўйича далилларга баҳо бериш;

- жиноят иши иштирокчиларининг дастлабки кўрсатувлари мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва уларни суд тергов жараёнида солиштириш;

- жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномаларини кўриб чиқиш ва уларни мазмунан ҳал этишда асослангилган фикрини бериш;

- дастлабки тергов органи томонидан йўл қўйилган ҳар қандай қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва уларни суд жараёнида бартараф қилиш чораларини кўриш;

- тарафларнинг эътиборини иш бўйича мавжуд далилларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текширилишига қаратиш йўли билан суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинишига кўмаклашиш.

6. Суд тергови жараёнида сўроқ қилиш суриштирув, дастлабки терговдаги сўроқ қилишдан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

- суд тергови жараёнидаги процесс иштирокчилари доираси суриштирув, дастлабки терговдаги иштирокчилар доирасига нисбатан кенгрок. Чунки дастлабки терговдаги сўроқ қилишда, одатда, суриштирувчи, терговчи, ҳимоячи ҳамда сўроқ қилинувчи (айбланувчи, гумон қилинувчи, гувоҳ, жабрланувчи ва ҳ.к.), суд терговида эса прокурор, судья, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, судланувчилар иштирок этади;

- суриштирув, дастлабки терговдаги сўроқ пайтида маълумотлар сўроқ қилинаётган шахсларнинг берган кўрсатувлари асосида тўпланса, суд терговида эса мазкур кўрсатувлар тўпланиши билан бирга, улар қонунда белгиланган тартибда текширилади ва уларга ҳуқуқий баҳо берилади;

- дастлабки терговдан фарқли равишда, суд тергови жараёни жиноят процессининг тортишувлик принципи асосида олиб борилади;

- суриштирув, дастлабки терговда сўроқ қилиш жараёнида ҳар бир сўроқ қилинган шахсга нисбатан алоҳида сўроқ қилиш баённомаси тузиш талаб қилинса, суд терговида эса ушбу шахсларнинг кўрсатувлари битта суд мажлиси баённомасида қайд этилади ҳолос.

7. Биринчи инстанция судида прокурорнинг фикри билан унинг музокара нутқи фарқланади. Жумладан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини, ярашув, амнистия актини қўллашга оид алоҳида тоифадаги жиноят ишлари бўйича прокурор фикр беради. Умумий тартибда иш кўриш натижаси бўйича, шунингдек, вояга етмаганларга оид алоҳида тоифадаги жиноят иши бўйича прокурор музокара нутқини баён қилади. Фикримизча, прокурорнинг музокара нутқи: айблов, айбловни ўзгартириш ва айбловдан воз кечиш турларига бўлинади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини, ярашувни ёки амнистия актини қўллаш билан боғлиқ прокурор фикри умумий тартибда иш кўришдаги прокурорнинг музокара нутқидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

биринчидан, қайд этилган тоифадаги ишлар бўйича шахснинг айбдорлиги масаласи муҳокама қилинмаганлиги боис прокурор фикрида ушбу масалага тўхталмайди, музокара нутқида эса шахснинг айбдор ёки айбдор эмаслигини исботлаш энг муҳим элементлардан бири ҳисобланади;

иккинчидан, прокурор фикрида тиббий йўсиндаги мажбурлов

чорасини, ярашув ёки амнистия актини қўллашнинг асослилиги ва зарурлигини баён қилиш билан чекланилса, музокара нутқида эса шахсга нисбатан жазо тури, меъёри ҳамда ЖПК, қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган талаблар баён қилиниши шарт;

учинчидан, амалдаги процессуал қонунчиликда прокурор фикрининг ёзма тақдим этилиши юзасидан талаб мавжуд эмас, бироқ музокара нутқининг ёзма тақдим этилиши юзасидан талаб белгиланган.

II. Миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1. Ўзбекистон Республикаси ЖПКга алоҳида “Атамалар” деб номланган янги бўлимни киритиб, унда “прокурор” тушунчасига таъриф бериш мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, мазкур Кодексга: *“Прокурор – қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи, судда қонунийликни таъминловчи, қонунда белгиланган ваколатларга эга бўлган мансабдор шахс”* деган мазмунда таърифнинг киритилиши таклиф этилади.

2. Прокурорга давлат айбловини қувватлаш эмас, айбловнинг асослилигини исботлаш мажбуриятини юклаш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу прокурорнинг айбловни ўзгартириш ёки ундан воз кечиш ваколатларига мос келади.

Ўз навбатида, жинойт ишини кўришда суд исботлаш мажбуриятидан холи бўлиши, бундай мажбурият процесс иштирокчиларига юкланиши лозим.

Шунга кўра, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 33-моддаси 3-қисмидаги: *“Прокурор судларда жинойт ишлари кўриляётганда давлат айбловини қувватлайди”*, деган жумлани *“Прокурор судларда жинойт ишлари кўрилишида давлат айбловининг қонуний ва асослилигини таъминлаш орқали уни қувватлайди ҳамда ишларнинг қонуний ҳал этилиши юзасидан фикрини билдиради”*, деган жумлага;

